


ISLAMONLINE.UZ

adabiyot



## Достоевский ва Ислом



Хаттоки икки тушунчани, яъни “Достоевский дунёси” ва “Ислом дунёси” тушунчаларини таккослаш – Фёдор Михайлович меросини “рус гоясини шакллантирувчи” ҳамда “Православ дини химоячиси” сифатида кабул килувчиларни дахшатга салади.

Лекин улуг рус ёзувчиси ва тафаккур сохибининг хаётий тажрибаси бундан кенгрокдир. Ха албатта, у Россия учун доим кайгурган ва унинг порлок келажаги тўғрисида орзу килган. Ха, у христиан бўлган.

Шу билан бир каторда, мусулмонлар билан самимий суҳбатлар унинг учун жуда муҳим бўлган. Ундан ташкари, у Иброхим (а.с.) дан таркалган динларнинг ягона илдизга эга эканини фахмлаган. Унинг фикрлари ва кузатишлари хозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Ушбу ҳақда мен Бошқирдистон давлат университети рус адабиёти кафедраси доценти Валентина Васильевна Борисова билан суҳбатлашиш имконига эга бўлдим.

- Сизнинг фикрингизча, Достоевскийни одатий дунёкарашини “почвенник”лар оқимиға мансуб деб ҳисобланиши адолатданми ва ҳақиқатда ҳам у Ислом дини билан чуқур кизикканми?

- Достоевскийнинг ички дунёси у ҳақда шаклланган стереотиплар ва тор мактаб карашларидан кенгрокдир. Унинг фикрлари доимий изланишда, хаётий тажрибаси эса жуда бой бўлган. Эсланг: ёзувчи бир лахзанинг ўзида ўлимға ҳукм килинғач, тўсатдан авф этилади, Достоевский рус сургуни қандайлигини англайди, бир вақтнинг ўзида у ҳам ҳақоратланган ва камситилганлар билан, ҳам замонасининг донишманд ва ҳукмдорлари билан муомала қилади.

Исломға у мусулмонлар билан бирға ҳаёт кечирганда чуқур кизикиш билдирган. Шунинг унутмаслик керак-ки, ёш Достоевский 9 йил Осиёда яшаган: аввал Омскда сургунда, сўнг 4 йил Семипалатинскда. Ва Осиёда яшаган йилларида Фёдор Михайловичнинг энг яқин дўсти аввалда ҳам, хозирда ҳам таникли бўлган шарқшунос, ажойиб инсон Чокан Чингизович Валихонов бўлган.

Маълумки, у Фёдор Михайловичдан бирмунча ёш бўлишиға карамай, Валихонов ёзувчиға Ислом маданияти ва бошқа шарқ динлари, чунончи буддизм ҳақида сўзлаб берган. Икки буюк инсон – рус ва козок адабиёти классиклари ўртасидаги дўстликни, хозирда ҳам Козогистонда ҳурмат қилишади, зеро Семипалатинскда Достоевский номида адабий-хотира музейи ташкил этилган.

Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, Достоевскийнинг бошқа мусулмонлар билан ҳам амалий мулоқот тажрибаси бўлган. Сургунда ёзилган “Ўлим уйдан битиклар” номи машхур романининг бир неча жойларини кўриб чиқамиз.

У ерда бир неча варақда ёзувчининг догистонлик татар, Али исми мусулмон билан ўтказган ўзаро суҳбатлари ҳақида ёзилади. Масалан, автор ўзида мавжуд бўлган Инжил билан Алини рус тилида ўқишға ўргатиши акс эттирилган.

Диккатға сазовор жойи шундан иборат-ки, Достоевский бу ерда нафақат мусулмоннинг ўқитувчиси, ёки “миссионер” ва “даъватчи” сифатида жонланган. Балки у Алидан ҳам кўп нарсани ўрганган.

Мана қаранг: Али, Достоевскийнинг Исо Масих ҳақидаги хикоясини эшитиб, хитоб қилди: “Исо – Аллохнинг расули! Исо яхши сўзлар сўзлаган! Худди шундай бизнинг Китобда, Куръонда ҳам ёзилган”.

Балки дастлаб, шу вақтда Фёдор Михайлович Христианлик ва Ислом, Куръон ва Инжил – бир-бириға ўзаро боғлиқ эканини сезган. Менинг фикримча, Достоевский ўша вақтда икки буюк диннинг бир илдизга эга эканини тушунган.

“Ўлим уйдан битиклар”ни асарини ўқиймиз:

“Догистонлик татарлар 3 нафар эди, хаммаси ога-инилар. Улардан иккиси кари бўлиб, лекин учинчиси, Алининг ёши 22 дан кўп эмас, кўринишидан ундан-да ёш. Унинг жойи менинг жойим ёнида эди. Унинг чиройли, очик, аккли ва багрикенг-кўнгилчан чехрасини биринчи кўришимдаёқ ёктириб колган эдим, мен такдирга бошка бирор-бир кўшни эмас, айнан уни юборганидан шукроналар айтардим. Унинг бутун калби – гўзал чехрасида акс этганди. Унинг табассуми ишонч ва болаларча бегуборликка тўла эди: катта кора кўзлар ёкимли ва юмшок бўлиб, уларга караб мен гамгинлик ва интизорлигимни унутардим. Мен бўрттирмай айтяпман”. (...)

Тасаввур килиш кийин, бу йигит бутун сургун давомида бундай калб юмшоклиги, катъий халоллиги, багрикенглиги ва ёкимтойлигини саклаб кола олган, кўполлашиб, бузилиб кетмаган. Лекин кўринишдан юмшок кўрингани билан, у жуда кучли ва иродали инсон эди. Мен буни кейинрок билдим.

У покиза эди, худди афифа киз каби, кимнидир жирканч, беадаб, ифлос ва адолатсиз, зулмор хатти-харакатлари унинг чиройли кўзларида нафрат уйготар, ва улар бундан-да гўзаллашар эди. У доим жанжал ва хакоратлардан узок турар, лекин ўзини бекорга хафа килдириб кўядиганлар тоифасидан эмасди, ўз номусини саклайдиганлардан эди. Аммо ҳеч ким у билан жанжаллашмас: хамма уни ёктирар ва хушмуомалада бўларди. Дастлаб у мен билан хушмуомала бўлди. Оз-моз мен у билан гаплаша бошладим: ога-иниларидан фаркли ўларок, бир неча ойда у рус тилида чиройли гаплаша оладиган бўлди. У менга жуда аккли, ниҳоятда камтар, мулозаматли ва кўп тафаккур килувчи йигит бўлиб кўринди.

Умуман аввалдан айтаман: Али гайриоддий инсон бўлиб, у билан учрашувим хаётимдаги энг яхши учрашувларимдан бири эди. Баъзи инсонлар табиатан Яратган томонидан такдирланган бўлиб, уларнинг ёмон йўлга кириши тўғрисида биргина фикр хам бу ишнинг мумкин эмаслигини такозо килади. Улар хакида сиз хар доим хотиржамсиз. Бир куни биз у билан тўлик “Нагорний” ваъзини ўкиб чикдик. Мен шуни фаркига бордим-ки, у баъзи жойларда алоҳида хис-туйғу билан ўкимокда.

Мен ундан сўрадим, ўкиётгани унга ёкаяпти-ми деб.

У шиддат билан менга каради ва унинг юзи кизариб кетди.

- Ха, ха! – жавоб берди у, - ха, Исо - мукаддас пайгамбар, Исо Худонинг сўзини гапирган. Кандай хам яхши!

- Сенга нима кўпрок ёкаяпти?

- Кайси ерда у: кечиримли бўл, мухаббат кўй, ранжитма ва душманларингни сев, дейди. Ха, кандай гўзал сўзлар!

У бизни эшитиб турган ога-иниларига ўгирилиб, уларга бир нарсаларни кизгин тушунтира бошлади. Ўзаро узок ва жиддий гаплашиб олганларидан сўнг, бир-бирларига хайрихох равишда бошлари кимирлатиб кўйдилар.

Сўнг, жиддий-хайрихох холатда, яъни пок исломий табассум билан (мен бу табассумни, унинг жиддийлигини жуда ёктираман) менга юзланиб шуни тасдикладилар-ки, Исо Худонинг элчиси ва у улкан мўъжизалар кўрсатган: лойдан куш ясаб, пуфлаган вақтда у учиб кетган... ба бу ходиса уларнинг китобида хам ёзилган. Буни гапира туриб, улар ўз гапларида катъий эдилар. Мен улкан завк туйдим, Исони макталиши, Алининг эса бахтиёрлиги, унинг ога-инилари менга бу завкни хадя этишга қарор килган эдилар. Каерда, каерда энди менинг меҳрибон, ёкимтой Али-им!”.

- Ха, баъзи инсонлар камок жазосини огир синов сифатида қабул килдилар. Лекин

Яратганнинг иродаси билан, Достоевскийнинг хаётида китоби й эмас, балки маърифатли олим Валихонов ёки Догистонлик оддий ака-укалар каби тирик мусулмонлар билан мулоқотда бўлган. Албатта, Петербургда яшаганида ўзига янги бўлган бундай инсонлар билан учрашмаган ва якин бўлмаган бўлар эди. Лекин Достоевский бу инсонларни акс эттириш билан биргаликда, узок ўтмиш образлари тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қилган.

Шубҳасиз, у Ислом динининг асосчиси (Мухаммад САВ) шахсига ижобий ёндошган. “Жиноят ва жазо” романида Раскольниковнинг Аллохнинг Расули Мухаммад (САВ) хақида куйидаги сўзлари бор: “Эҳ, мен Пайгамбарни отда қилич билан тасуввур қиламан! Аллох буюради, ва итоат қил, титроқ жонзот”.

Агар аҳамият берган бўлсангиз, Раскольников онгида золим Пайгамбар образи шаклланади – бундай қарашга мусулмон инсон қўшила оладими? Албатта, йўқ. Чунки мусулмонлар учун “Магомет” (19 асрда Россияда шундай аташган, лекин Достоевский хақиқий исм “Мухаммад” эканини билган) – қомил инсон, айна христианлар учун Исо Масих каби.

Бу ерда адабий қахрамон Пайгамбар тимсолини нотўғри талқин этади. У қўпол диний ҳатого йўл қўяди. Автор эса уни тўғрилайди.

- Қайдай қилиб?

- - У ўз қахрамонининг Исо ва Мухаммад (САВ) – бир-бирига қарама-қарши идеал деган қарашларига қўшилмайди. Бундай қарама-қаршилиқ – фақат Раскольников онгида.

Роман охирида пайгамбарлик қатори бирлиги, яъни аввал Исо, сўнг Мухаммад (САВ) қелиши ҳақиқати тикланади. “Жиноят ва жазо” хотимасида Авраам ёки арабчадан Иброҳим хақида эслатма қелади. Раскольников сибир дарёси (бу албатта, Иртиш) бўйида ўтириб, узокдаги қирғиз чўлига тикилиб қолади. Унинг қўз ўнгида – қуёш нурига гарқ бўлган олтин чўлнинг кенг сарҳадлари. Қозоқлар бу ҳолатни “қари арқа” – олтин, қариқ чўл деб атайдилар. У назар қолади: уни қандайдир ҳам эсади ва қийнайди. Албатта, бу ўз идеали қами. Унинг фикрича, қануз “Иброҳим қамони ва унинг қодалари қаври ўтмаган”.

Қандайдир суратда ушбу қирғиз-қозоқ чўли унга қадимқи Фаластинни эслатади. Бу ерларда қачонлардир Иброҳим (а.с.) қаролият қуритқан, яъни қарча семит қалқларнинг отаси, шунингдек араб ва қарудийларнинг қам. Ва Иброҳим (а.с.) – у “умум инсон”.

У Инжилдақи умум инсон, бирдек қарудийлар, христианлар ва мусулмонлар қомонидан қурматланади. Иброҳим (а.с.) хақида эслаш бу қармзий маъно қасб этади. У Раскольников ўз маънавий-ақлоқий қанқогини қондириш учун қайтаётқан маънавий қанбақа ишора қилади.

#### **“Жиноят ва жазо”нинг хотимасини очамиз:**

“Қун қана очик ва илиқ эди. Эрта тонқдан, қоат олтиларда, ишқа борди, қарё бўйидақи омборқонада алебастрни қуқунга айлантириш учун қуйдириш қечи ўрнатилқан эди. Вақоланқи, у ерга бор-йўқи уч қиши борқан эди. Бир мақбус сокчилардан бири билан қўрқонга қандайдир асқоб олқани қетди, бошқаси эса ўтин тайёрлаб, қечга ташлай бошқлади. Раскольников омборқонадан қирқок бўйига қикиб, тақланқан тўнқалар устига ўтирди, қенг ва қечсиз қарёга тикилиб қолди.

Қирқокнинг юқори қисмида қсланқан қенг қаланқлик қўринарди. Узокдақи бошқа қирқокдан ашула овози элас-элас эшитиларди. У ерда, қуёш нурига қўмилқан қудудсиз

чўлда кўчманчи юрталар нукта каби кўринарди. У ерда озодлик бор эди ва бу ердагига ўхшамаган бошка одамлар яшарди, худди-ки вақт тўхтаб колгандек, Иброхим замони ва унинг подалари даври ўтмаган-дек. Раскольников кимирламай ва назарини бир нуктадан узмай ўтирарди: унинг хаёллари орзуга, тафаккурга айланар; у ҳеч нарса хақида ўйламас, лекин кандайдир гам уни эзар ва кийнарни”.

Дархақиқат, Достоевский томонидан исломий кадриятларни хаётий тажриба ва тафаккур оркали ўрганиши ўша вақт учун ноёб ходиса эди. Шу нарсани эсдан чиқармаслик керак-ки, ўша даврда хатто рус маданияти таъсирида шаклланган ёки бошка европалик бўлган илмий одамлар ҳам Ислом тўгрисида тўғридан-тўғри маълумотга эга бўлмаганлар – Куръон таржималари номусулмонлар томонидан “империявий-миссионерлик” максидида амалга оширилган, Суннат ва Сийрат (Росулulloх САВ хаёт йўллари) эса шаръий адабиётлар ва Ислом тарихи каби умуман таржима қилинмаган.

Аслини олганда, янги мингйиллик бошида кўз ўнгимизда русийзабонлар учун Ислом асослари тўгрисидаги билимларни ўрганиш имкони тугилди. У вақтларда эса кўпчиликда “ухловчи Шарк” маданиятида сеҳрли эртаклар ва “арабеска”ларгина саклайди, диний хаёти эса фақат бидъату хурофотлардан иборат, деган катъий тушунча бор эди. Шуниси хайратланарлики, Достоевский Аллох элчиларининг узлуксизлиги ва Ислом Пайгамбарига (САВ) бўлган ижобий ёндошуви билан ўз замонасига нисбатан илгор фикр сохиби бўлган!

БДУ доценти БГУ В. Борисова билан суҳбат  
Джаннат Сергей Маркус